Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2013-yil, 14-fevral. Payshanba • 18 (31.608) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ АҲОЛИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЭНГ МАҚБУЛ УСУЛИ БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.

ШУНИНГ УЧУН ПАРТИЯНИНГ МАҲАЛЛИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ «2013 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ»НИНГ ҲАР БИР ТУМАН ВА ШАҲАРДА ТЎЛИҚ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШИ, БУ БОРАДА ҚАТЪИЙ ВА ТАЛАБЧАН ФАОЛИЯТ ЮРИТИШИ ЗАРУР.

2013 йил — Обод турмуш йили

## ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР

**2012 йили Самарқанд вилоятида намунали лойиҳалар асосида 650 та замонавий турар-жойлар қурилди. «Тошкент — Термиз» катта ўзбек трактининг Тайлоқ туманидан ўтувчи ҳудудда барпо этилган эртакмонанд қўрғонча ҳам шулардан бири.**

«Ворсин» маҳалласидаги уй-жойлар қурилиши 2010 йили бошланган. Дастлаб бу ерда 40 та турар-жой қад ростлади. Аҳоли талабидан келиб чиққан ҳолда 2011 йили маҳаллада 83 та, ўтган йили эса 54 та замонавий уйлар барпо этилди.

— Охирги икки-уч йилда маҳалла қиёфаси тубдан ўзгарди, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Санақул Дўстмуродов. — Янги замонавий уйларда истиқомат қилувчиларга имконият яратиб бериш мақсадида 280 ўринли мактаб фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда мактабгача таълим муассасаси биноси қурилмоқда.

— Шундай намунали лойиҳадаги замонавий уй-жойлар туманнинг «Маданият» маҳалласида ҳам қад ростлаяпти, — дейди «Сам Бест Десинг» МЧЖ раиси Ўктам Ҳамдамов. — Қурувчиларимиз бу ерда 10 та намунали уйларни барпо этди.

— «Маданият» маҳалласидаги уйларни табиий газ билан таъминлаш мақсадида 260 погонаметр юқори босимли ҳамда 1300 погонаметр ўрта босимли газ қувурлари тортилди, — дейди «Тайлоқтумангаз» филиали раҳбари Ҳамдам Ҳамроев. — Шу муносабат билан бу ерга 1 та юқори босимли, 2 та ўрта босимга мўлжалланган газ тақсимлаш ускунаси ўрнатилди.

— Насиб этса келинимни мана шу янги уйга туширмоқчиман, — дейди маҳалладаги хонадон соҳибларидан бири Мавлуда Азизова. — Уйни кичик ўғлимга атаб харид қилганмиз. Бундай уйда яшашнинг ўзига хос гашти бор. Ҳамма шароит муҳайё. Иссиқ сув, совуқ сув дейсизми, газ, буларнинг барчаси биз учун орзу эди-да. Президентимизнинг ғамхўрлиги сабабли ота-оналаримиз кўрмаган кунлар бизга насиб қилганига шукр.

Туманда жорий йилда 90 та намунали лойиҳадаги замонавий уй-жойлар қурилиши мўлжалланган. Шунингдек, 1 та касб-ҳунар коллежи, битта мусиқа ва санъат мактаби барпо этилиши билан биргаликда 5 та умумтаълим мактаблари капитал реконструкция қилиниши режалаштирилган.

**(Ўз мухбиримиз.)**

Тадбир

**Навоий вилоят мудофаа ишлар бошқармаси йиғув пунктида муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларни тантанали кузатишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мутасадди ташкилотлар вакиллари, чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.**

## ВАТАН ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ ШАРАФ



— Ҳар бир йигит ёшлигидан ҳарбий либос кийишни орзу қилади. Тенгқурларим билан бир сафда Ватан ҳимоясига отланаётганимдан хурсандман, — дейди чақирилувчи Бобир Каримов.

Қайд этиш керак, бугун жисмонан бақувват ва маънан етук, билимли ёшлар муддатли ҳарбий хизматга танлаб олиняпти.

**Илҳом САТТОРОВ**

Бандлик

## МАҲАЛЛАДА КИЧИК КОРХОНА

*очилиши туфайли ёшлардан 8 нафари иш билан таъминланди*

**Денов тумани «Лўпон» маҳалласи марказидан қарийб 20 километр узоқда жойлашган. Яқинда бу ерда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Зулайхобону» ишлаб чиқариш корхонаси фаолият бошлади.**

— Жаҳон талабларига тўлиқ жавоб берадиган замонавий линия ёрдамида кунига бир тоннадан ортиқ маҳсулот тайёрланмоқда, — дейди корхона иш бошқарувчиси Тоҳир Ҳамроев. — Ўн хилдан зиёд қандолат маҳсулотлари шу ернинг ўзида қадоқланиб, савдога чиқарилаяпти. Айни кунларда маҳалла ёшларидан 8 нафари иш билан таъминланган бўлса, иш икки сменада ташкил этилгач, яна 8 киши ишли бўлади.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

Фракция муҳокамаси



Муродбек ЗИЁ олган суратлар.

## ОМБУДСМАН ҲИСОБОТ БЕРДИ

**2012 йил мобайнида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоларига доир мурожаатлар олдинги йиллардагига нисбатан камайган. ЎзХДП фракциясининг кенгайтирилган йиғилишида Омбудсманнинг 2012 йилги фаолияти юзасидан ҳисоботи тўғрисидаги масала муҳокама қилинаётганда бунга алоҳида эътибор қаратилди.**

Депутатларнинг таъкидлашича, мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсат юритилиши, хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлаш, муносиб иш ҳақи тўлаш ва иш шароитларини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир мурожаатларнинг камайишида асосий омил бўлмоқда.

Ҳисобот йилида Омбудсман томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари томонидан ишлаб чиқилган 20 дан ортиқ қонун лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси амалга оширилган.

Ўтган йили Омбудсманга фуқаролардан жами 13 мингга яқин мурожаат тушган. Омбудсман томонидан давлат идораларига зарур материалларни тақдим қилиш, инсон ҳуқуқлари бузилишини бартараф этиш билан боғлиқ тавсиялар билдирилган 750 та сўров юборилган.

*(Давоми 2-бетда.)*

КОЛЛЕЖ — КОРХОНА — БАНК ҲАМКОРЛИГИ
касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш самарадорлигини оширади ⇨ 2

НОТИНЧЛИК ВИРУСИ ⇨ 3



«БОБУРНОМА»:
Уста Алиқули ва унинг тошотар тўпи ⇨ 4



Меҳнат ҳуқуқи

## СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилмоқда. Қонун лойиҳаси билан кодекснинг қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, Меҳнат кодексининг 84-моддасига киритилаётган ўзгартишга асосан таълим муассасалари битирувчиларини ишга қабул қилишда дастлабки синов муддатига йўл қўйилмаслиги белгиланмоқда. Бу масала бўйича қандай фикрдасиз? Меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар учун ижтимоий муҳофаза тамойиллари мустаҳкамланишида бунинг аҳамиятли жиҳати нималардан иборат, деб ўйлайсиз?

Биз халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз, партиямиз фаоллари, ҳуқуқшунос олимлар, зиёлилар ва газетхонлар фикр-мулоҳазаларини кутамиз.

Телефон/факс: 8-371-233-10-13, электрон манзил: ovozi@mail.ru

Сўз — ЎзХДП етакчиларига

## БАРҚАРОР ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ

*ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли манфаати учун курашиш бизнинг асосий вазифамиздир, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Сирожиддин Аъзамов*

**— 2013 йилнинг мамлакатимизда «Обод турмуш йили», деб эълон қилиниши Ўзбекистон Халқ демократик партияси, жумладан, Тошкент вилоят партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклади, — дейди у. — Бу масъулият нималардан иборат? Аввало, партия ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимизнинг электорат манфаатларига хизмат қилувчи фаолиятини кучайтириш, жойларда устувор ижтимоий ва иқтисодий вазифаларни бажаришда уларнинг фаол иштирокини таъминлашимиз зарур...**

2-бет

Фракция муҳокамаси

# ОМБУДСМАН ҲИСОБОТ БЕРДИ



**Ҳафиза КАРИМОВА,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

*— Фракциямиз аъзолари Омбудсманнинг 2012 йилдаги фуқаролар мурожаатлари бўйича ҳисоботини таҳлил қилиб, мурожаатлар қатор йўналишлар бўйича сезиларли даражада камайгани, бу борада ижобий натижага эришилаётганини эътироф этишди.*

***Шу билан бирга, электорат манфаатлари ҳимояси, партия дастурий вазифалари ижроси билан бевосита боғлиқ айрим йўналишлар, хусусан, пенсияни ҳисоблаб чиқариш, соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олиш, ногиронлар ҳуқуқлари бўйича мурожаатлар кўпайганини қайд этиб, бунга 2013 йилда алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз.***

***Ўзбекистон ХДП фракцияси юқорида келтирилган йўналишларда ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича тегишли ўрганишлар олиб бориш, назорат-таҳлил ишларини кучайтиришни режалаштирди.***

***Шунингдек, фракциямиз барча соҳа ва йўналишларда электорат вакилларининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга қаратилган тадбирлар таъсирчанлиги ҳамда ижтимоий самарадорлигини ошириш бўйича ўз вазифаларини белгилаб олди.***

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Фракция Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини маъқуллади.

Шунингдек, фракция аъзолари «**Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Ҳозирда хўжалик процессуал қонун ҳужжатларида суд ва ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида электрон шаклларда маълумотлар (ёзишмалар) алмашиш назарда тутилмаган. Иштирок этувчи шахслар судга фақат ёзма шаклда мурожаат қилиши мумкинлиги қонун билан белгилаб қўйилган.

Хўжалик судларининг Олий хўжалик суди, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган хўжалик судларидан ташкил топган икки поғонали тизими судларга мурожаат қилишда фуқароларга ноқулайликлар туғдирмоқда. Амалдаги процессуал қоидаларга кўра, судга даъво тақдим этиш учун тадбиркорлик субъектлари уни почта орқали жўнатиши ёки бевосита олиб келиб топшириши керак. Буни амалга ошириш эса ҳар икки ҳолатда ҳам вақтнинг ортиқча сарфланишини, муайян моддий харажатларни тақозо этади.

**Алишер ТИЛЛАБОЕВ,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

*— Қонун лойиҳаси билан бундай ноқулайликларни бартараф этиш, яъни, суд ва ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида электрон шаклларда маълумотлар (ёзишмалар) алмашиш мумкинлиги тўғрисида янги тартиб жорий қилиш назарда тутилаяпти. Бу ўзгартиш, аввало, одамларга қулайлик яратишга, суд фаолияти самарадорлигини оширишга, соҳага замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш амалиёти кириб келиши ва ривожланишига хизмат қилади.*

*Қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаган ҳолда, фракциямиз уни такомиллаштириш жараёнида электрон шаклларда маълумотлар (ёзишмалар) алмашиш тартибини аниқ-равшан акс эттириш, бунда хавфсизликни кафолатлаш зарурлигини таъкидлаб, бу борада фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдиришди.*

Фракциянинг кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати аъзолари, Марказий Кенгаш масъул ходимлари иштирок этди. Фракция пенсия ва ижтимоий нафақалар, соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олиш, ногиронлар ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ масалаларни тизимли ўрганиш, шунингдек, қонун лойиҳаларини маромига етказишда депутатларнинг фаоллигини кучайтириш йўналишларини ҳам муҳокама қилди.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ**

Сўз — ЎзХДП етакчиларига

# БАРҚАРОР ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ

## *ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли манфаати учун курашиш бизнинг асосий вазифамиздир*

***— Кечирасиз, бу масалалар партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари учун ҳар доим ҳам долзарб бўлиб келган. Хўш, ўтган йилда улар қандай фаолият олиб борди, ортда қолган йилда партиямиз электоратини ташкил этувчи фуқаролар манфаатларини қай даражада химоя қила олдик, деб ҳисоблайсиз?***

— Тўғри айтдингиз. Юртимизнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли манфаати учун курашиш бизнинг асосий вазифамиздир. Ўтган йили ҳам буни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, электорат манфаатларини ифодаловчи қатор ташаббусларни амалга оширишга ҳаракат қилдик. Хусусан, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи ҳамда вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг қўшма йиғилишида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 майдаги «2011 — 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши ҳақида»ги масала кўриб чиқилди.

Қўшма йиғилишда тузилган ишчи гуруҳи 2012 йилнинг 2-5 июль кунлари вилоятнинг шаҳар ва туманларида бўлиб, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, тегишли қарор ҳамда у асосида тасдиқланган дастурнинг ижро этилишини атрофлича ўрганди. Бу жараёнда қилинган жуда кўп ишларни эътироф этиш мумкин. Аммо айрим камчиликларга йўл қўйилгани ҳам маълум бўлди. Ишчи гуруҳи фаолиятининг натижалари умумлаштирилиб, таҳлилий хулосалар асосида тегишли масала 2012 йил 3 август куни бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдаги XXI сессиясида муҳокама этилди.

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

***— Депутатлик гуруҳлари сиёсий партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширувчи асосий куч ҳисобланади. Шундай экан, бир-икки ташаббус билан электорат манфаатини ҳимоя қилаяпмиз, деб бўлмаса керак...***

— Мен юқорида фақат битта мисолга тўхталдим. Аслида электорат манфаати ҳимояси борасида депутатлик гуруҳимизнинг ишлари кўп. Мисол учун, бизнинг ташаббусимиз билан халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2012 йил 28 декабрь куни бўлиб ўтган XXII сессияси муҳокамасига иккита масала киритилди. Булар «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этиш» ва «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бажарилишининг бориши ҳақида»ги масалалардир.

Партиямиз аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялаш деганда улар учун давлат бюджетидан асосланмаган харажатларни кўпайтиришни эмас, балки, уларни мақсадли қўллаб-қувватлаш, мисол учун, иш билан таъминлаш, ўз мустақил бизнесини бошлаши, умуман, оиласи фаровонлигини оширишнинг асосини яратишга кўмаклашишни назарда тутади. Шунинг учун ҳам хизмат кўрсатиш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш, бу борада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

***— Партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳларининг электорат манфаатларини таъминлашдаги аниқ иштирокини таъминлаш бўйича партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури қабул қилинган эди. Аммо айрим туман ва шаҳар партия Кенгашлари ҳамда депутатлик гуруҳлари Ҳаракат дастурида 2012 йил учун мўлжалланган вазифаларни охиригача бажара олмади.***

***Мисол учун, «Соғлом она — соғлом бола» дастурининг Оққўрғон туманида бажарилиши тўғрисида», «Бекобод туманида куз-қиш мавсумига тайёргарликнинг аҳволи ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида», «Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш бўйича Зангиота туманида олиб борилаётган ишлар тўғрисида»ги долзарб масалалар доимий комиссиялар мажлисларида муҳокама қилинган, лекин сессияларда кўриб чиқилмаган.***

— Бунга партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари раҳбарларининг лоқайдлиги, масъулиятсизлиги сабаб, деб ўйлайман. Уларнинг ташаббускорлиги, жонкуярлиги, фуқаролик позициясига кўп нарса боғлиқ. Айрим жойларда партия кенгашлари ва депутатлар ўз ваколатидан фойдалана олмаслиги ҳам умумий ишимизга салбий таъсир этмоқда.

Шу йил 9 январь куни бўлиб ўтган Тошкент вилоят партия кенгаши Ижроқўм йиғилишида Ҳаракат дастури бажарилиши ҳар томонлама таҳлил этилди ҳамда йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш бўйича қарор қабул қилинди.

***— 2012 йил давомида вилоят Хотин-қизлар қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Марказий банк бош бошқармалари, давлат солиқ бошқармаси ҳамда партиямиз ҳамкорлари бўлган бошқа ташкилотлар билан бирга кўпгина туманларда ижтимоий-иқтисодий форумлар ўтказилди. Уларнинг якунлари, ва бу тадбирлар натижалари ҳақида тўхталсангиз.***

— Ижтимоий-иқтисодий анжуманлар меҳнатга лаёқатли аҳоли, шу жумладан, уйда ўтирган аёллар, таълим муассасаларининг битирувчилари, иш топишда қийинчиликларга дуч келаётган ёшлар, жисмоний имконияти чекланган кишиларнинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларида бандлигини таъминлашга қаратилган самарали лойиҳа бўлди, деб ҳисоблайман.

Ижтимоий-иқтисодий анжуманлар вилоятдаги партия электоратининг 250 дан ортиқ вакилини оилавий тадбиркорликка жалб этиш имконини берди.

Бундай тажриба, айниқса, жисмоний имконияти чекланган кишиларнинг ишбилармонлик фаоллигини рағбатлантириш, ижтимоий фойдали меҳнат билан бандлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ушбу форумлар натижасида 44 нафар иқтисодий жиҳатдан фаол ҳамда жисмоний имконияти чекланган электоратимиз вакиллари ўз ишларини бошлаш учун умумий ҳисобда 361 миллион 400 минг сўмдан ортиқ миқдорда микрокредитлар учун тижорат банкларининг сертификатларини қўлга киритишди. Шу орқали уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бирламчи қайта ишлаш учун кичик ва хусусий корхоналар ташкил этиш, оилавий бизнесни йўлга қўйиш, озиқ-овқат ва ноозиқ овқат истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маиший хизмат кўрсатишни кўзда тутувчи лойиҳалари қўллаб-қувватланди.

Ҳамкорлар билан биргаликда бу ташаббусни жорий йилда ҳам изчил давом эттириш бўйича режани келишиб олдик.

***— Ўтган йили, шунингдек, партиямиз тизимида илк бор «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси амалга оширилди. Шу жараёнда партиямиз электоратини ташвишга солаётган қандай масалалар, муаммолар ўрганилди, уларни ҳал этиш юзасидан қандай ишлар амалга оширилди?***

— Лойиҳанинг биринчи босқичида ҳар бир туман, шаҳарда 10-15 тадан маҳаллада давра суҳбати, учрашувлар ташкил этилди.

Тадбирларда, аввало, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, уларнинг ҳар бир инсон ҳаётига реал таъсири ҳақида сўз юритилди. Фуқаролар йиғинлари орқали берилаётган ижтимоий нафақалар, уларни ажратиш бўйича қўйилаётган талаблар, ижтимоий нафақаларни молиялаштириш масалалари ҳақида молия, ғазначилик, солиқ идоралари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси мутахассислари электорат вакилларига тушунчалар бердилар. Тижорат банкларининг вакиллари ўзларида мавжуд кредит йўналишлари, улардан фойдаланиш масалалари ҳақида сўз юритишди. Фуқаролардан тушган саволларга жавоблар қайтаришди. Кўтарилган кўпгина муаммоларни шу ернинг ўзида ҳал этиш имконияти юзага келди.

Аҳоли томонидан бандликни таъминлаш, ижтимоий муҳофазанинг манзиллилигини кучайтириш, кўмакка муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари ҳақида кўплаб фикрлар, таклифлар билдирилди. Лойиҳанинг иккинчи — туман, шаҳар босқичида уларнинг барчасини таҳлил этиб, тегишли масалалар депутатлик гуруҳларимиз, халқ депутатлари Кенгашларининг доимий комиссиялари мажлисларида муҳокама этилди.

Йиғилишда қаттиқ чиқиндиларни йиғиш, ташиш ҳамда утилизация қилиш билан шуғулланувчи барча ташкилот, муассаса ва корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳақида таклиф ишлаб чиқилди.

Демак, «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳасини изчил амалга ошириш партия ташкилотларининг электорат манфаатларини таъминлашдаги фаолиятини тубдан кучайтиришга хизмат қилишини кўрсатди. Очиғи, лойиҳа бизни электоратга янада яқинлаштирди. Шу сабабли бу йил лойиҳани янада такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайман.

**Бекзод ШУКУРОВ
суҳбатлашди.**

Ижтимоий ҳимоя



# КОЛЛЕЖ — КОРХОНА — БАНК ҲАМКОРЛИГИ

## *касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш самарадорлигини оширади*

**Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини муқим иш билан таъминлаш масаласига алоҳида тўхталиб, ўтган йил юртимизда 450 минг нафардан ортиқ битирувчи иш билан таъминлангани, уларнинг 43 фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашганини алоҳида қайд этди.**

*— Уч томонлама шартнома имзоланиши, битирувчилар учун яратилган шарт-шароитлар, ойлик маошлар ва бошқа ижтимоий мадад хусусида ёшларнинг ота-оналарига етарли маълумот берилиши иш берувчи билан ишга кирувчилар ўртасида мустаҳкам ишончни юзага келтиради, — дейди Самарқанд вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бўлим бошлиғи Маъруф Бобоёров. — Ўтган 2011-2012 ўқув йилида 154 та касб-ҳунар коллежини 102 та мутахассислик бўйича 60 минг 856 нафар йигит-қиз битирди. Шундан 30 минг 791 нафарини қизлар ташкил этади. Уларни иш билан таъминлашга бевосита кўмаклашадиган кенгаш вилоят ҳокимлиги қошида ташкил этилган.*

*Талабаларни ўқиш давомида ўзлари амалиёт ўтаган корхоналарга ишга жойлаштириш масаласига алоҳида аҳамият берилаяпти. Чунки амалиёт давомида ёшлар корхона жамоаси, иш тартиби ва бошқа жиҳатларга кўникма ҳосил қилади.*

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар учун имтиёзли кредитлар берилиши жорий этилган. Шу мақсадда бошқарма томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтган йили «Энг яхши бизнес лойиҳа», «Энг яхши мутахассис» танлови ўтказилди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати лойиҳалардан 7128 тасига имтиёзли кредит маблағлари ажратилишини белгилади. Лойиҳаларнинг аксарияти қишлоқ ёшлари томонидан тақдим этилди. Биргина, Нарпай туманида 35 нафар қиз болага тижорат банклари томонидан кредит маблағлари ажратилди. Натижада юзлаб қишлоқ қизлари доимий иш ўринларига эга бўлди.

— Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига имтиёзли кредит маблағлари берилиши — бу ёшларни кучли ижтимоий ҳимоя қилишнинг ёрқин бир кўриниши, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Самарқанд вилоят бош бошқармаси бўлим бошлиғи Лутфулло Зиёев. — Шу мақсадда ўтган йилда 154 та коллежга тижорат банкларининг масъул мутахассисларини бириктирдик. Улар ёшларга бизнес лойиҳаларни тузиш, ажратилаётган кредитлар ва уларнинг тартиб тамойиллари ҳақида маълумот, йўриқномалар берди. Жорий йилда бу борадаги ишимизни янада жонлантирамиз.

2012 йилда коллеж битирувчиларига 4 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди.

— Битирувчиларга имтиёзли кредит берилишига алоҳида аҳамият қаратиб келмоқдамиз, — дейди «Микрокредитбанк» Самарқанд филиали бўлим бошлиғи Шаҳбоз Музропов. — Имтиёзли микрокредитларимиздан бири бўлган бошланғич сармояни шакллантириш учун бериладиган кредит маблағлари йиллик 3 фоизни ташкил этади. Шунингдек, айланма маблағларни шакллантиришга қаратилган кредитларимиз эса йиллик 6 фоиздан иборат бўлиб, устама қўйиш шарти билан амалга оширилади. Бундай имтиёзли кредит олувчи ёшлар учун махсус тартиб ишлаб чиқилган.

— Самарқанд молия-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини тугатиб, «Ўзсаноатқурилиш» банкнинг вилоят филиалига бизнес лойиҳамни тақдим этдим. Банк лойиҳамни қўллаб-қувватлади. Натижада 10 миллион сўм миқдорида олинган имтиёзли кредит ҳисобига «Акфа» эшик-ромлар ясашга ихтисослашган цех ташкил қилдим, — дейди Аббос Мўминов. — Ҳозир бу ерда 8 нафар тенгдошим меҳнат қилаяпти. Келгусида цехни кенгайтириб, кичик корхона ташкил этишни режалаштираяпмиз. Мақсадим амалга ошса, яна 50 та иш ўрни яратилади. Биз ёшлар давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз мустақил ишимизни йўлга қўйишимиз лозим.

**Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.**



***Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифамиз бўлиб қолади.***

**Ислом КАРИМОВ**

# НОТИНЧЛИК ВИРУСИ

**Йигирма биринчи аср. Бугун дунёда кимдир бошқараётган, ҳеч ким бошқармаётган, кимгадир бўйсунадиган, ҳеч кимга бўйсунмайдиган Нотинчлик вируси кезиб юрибди.**





У чегаралардан тўсиқсиз ўтаяпти. Бутун бошли мамлакатлар аҳолисининг онгини зарарлаяпти. Касаллик белгилари — онги ушбу вирус билан заҳарланган одамлар бутун мавжудликдан норози. Уларни муросага келтиришнинг иложи йўқ. Уларнинг мақсади битта: вайрон қилиш, қон тўкиш...

Кимнинг қонини тўкишмоқчи? Кимнинг мамлакатини вайрон қилмоқчи? Ўзларининг қонини тўкмоқда. Битта халқ бир бирини ўлдираяпти, ўз уйини бузяпти. Оиласи яшаётган бошпанасини, боласи ўқиётган мактабни, онаси даволанаётган шифохонани портлатаяпти, фарзандларини эмлашга келган кўнгиллиларни ўлдираяпти, ўқишга бораётган қиз ёвузлик қурбони бўлаяпти. Бу мамлакатларга ишлашга, саёҳатга келган хорижликлар гаровга олинаяпти. Очларга нон, сув, ўлим тўшагида ётганларга дори-дармон келтираётган машиналар йўқ қилинаяпти...

Нотинчлик вирусининг даҳшатли кўринишлари фақат булар эмас. Аэропортлар, вокзал, оммавий байрамлар, ҳатто тўй ва диний маросимларда бегуноҳ инсонлар қурбон бўлмоқда. Минглаб оилалар бошига қора кун тушмоқда.

Нотинч, уруш бўлаётган мамлакатлар аҳолиси бомбардимонлардан, зўравонликлардан, тинимсиз отилаётган снаряд ва ўқлардан оиласи, ўз жонини асраш учун уйини, Ватанини ташлаб кетишга мажбур бўляпти. Улар қўшни давлатлардаги қочоқлар лагерларидан паноҳ топишмоқда. Совуқ, иссиқ об-ҳаво шароитида чодирларда кун кечиришмоқда. Қочқинлар учун ажратилган халқаро ташкилотларнинг гуманитар ёрдамлари эса ўз вақтида етиб келмаяпти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бу ерларда турли юқумли касалликлар тарқалиш хавфи жуда катта.

Эшитамиз, кўрамиз. Лекин битта омонат ишонч кўпчилигимизни адаштиради. Ҳа, омонат ишонч. Гўёки бу урушлар, хунрезликлар биздан жуда-жуда узоқда. Аслида ҳам шундайми?

**«Дунёнинг кўпгина минтақаларидаги қарама-қаршилик, қуролли тўқнашувлар, қонли фожиалар, ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол, аввало Афғонистонда 30 йилдан зиёд вақт мобайнида давом этаётган таҳликали вазият Ватанимизни ҳар қандай бало-қазолардан асраш учун доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашимизни талаб қилади».**

Жаҳон ҳамжамияти ҳали ҳам бир миллат, бир мамлакат бошига тушган кулфатларга умумбашарий фожиа дея қарамаяпти. Бу фалокатларни тарқалиб кетиш хавфи юқорилигидан кўз юммоқда. Бугун қайси мамлакат, қайси халқ бутун дунёни ларзага солаётган нотинчлик вирусидан ҳимояланган?

Иммунитет сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, маъноси тирик мавжудотларнинг ўз бутунлиги ва борлиғини сақлаши, турли касаллик туғдирувчи вирусларга нисбатан чидамлилиги, ҳимоя реакциясидир.

Бизнинг асримизга келиб мафкуравий иммунитет ибораси қўлланила бошланди. Бугун инсоният олдида жисмдан ҳам кўра онгни ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш муаммоси пайдо бўлди. Одамлар, айниқса, ёшлар онгига тажовуз қилишнинг янги-янги усуллари қўлланилаётган, ишлаб чиқарилаётган, экспорт қилинаётган бир даврда айнан мафкуравий иммунитет танқислиги сезилмоқда.

*Руҳшуносларнинг қайд этишича соппа-соғ инсоннинг руҳий қусурлари ижтимоий ва сиёсий соҳаларга ёриб киради ҳамда уруш ва инқилоб кўринишида намоён бўлади...*

Маълумки, ёшлар қабул қилувчан, сезувчан, таъсирчан, эргашувчан бўлишади. Шунинг учун ҳам нотинчлик вируси уларнинг онгини забт этишга қаратилган. Бу йўлда асосий қурол интернетдир. Унинг воситасида ҳар қандай хабар яшин тезлигида тарқалади. Интернет аудиториясининг катта қисмини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, вазият қанчалик оғир ва мураккаб эканлигини англаймиз. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бугунги кунда ёт ғоялар, мақсадлар, манфаатлар асосан интернет орқали юборилаяпти. Ва кўп ҳолларда кўзланган қабиҳликларга эришилмоқда.

Сиёсатчиларнинг фикрига кўра, нотинч мамлакатларда йиллар давомида ислоҳотлар ўтказилмаган. Демократик модернизация жараёнлари жаҳон билан ҳамқадам ривожланмаган. Ижтимоий-сиёсий муаммолар тўпланиб қолган. Уларнинг вақтида ҳал этилмаганлиги, давлат билан халқ ўртасида жарлик пайдо бўлишига, халқнинг давлатга бўлган ишончи йўқолишига, эртанги кунга бўлган умиди сўнишига олиб келган.

Нотинчлик вирусининг тарқалишига қуйидаги омиллар ҳам замин яратади. Лоқайдлик, хабарсизлик, вазиятни тўғри идрок қила билмаслик, вақтида ҳимояланмаслик, ёшлар онгида бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўйиш...

Бу талатўп дунёда ҳар бир миллатнинг ўз ахлоқ тамойилларини асраб қолиши ўз жонини асраб қолишидек муҳимдир.

Бефарқлик қалб ўлими.

2012 йилнинг 14 декабри. Америкада юз берган воқеаларни эшитиб, бутун дунё ларзага келди.

АҚШнинг Коннектикут штатидаги бошланғич мактабга бостириб кирган қотил 27 кишини отиб ўлдирди. Уларнинг 20 нафари 6-7 ёшдаги болалар эди. Бу қабоҳатни, бу ваҳшийликни кўрган яна 600 нафар боланинг қалби яраланди. Уларнинг маъсум кўзида бир умрга даҳшат қотиб қолди.

Ёши саксонни қоралаб қолган отам бир умр ўқитувчилик қилган. У киши ҳар доим «Дунё болаларини асра, улар қаторида менинг болаларимни ҳам асра» дея Яратганга илтижо қилади.

## Диққат янги рукн: Тинчликка таҳдид

Дунё болалари. Бизнинг болаларимиз.

Биз йигирма нафар боламизни йўқотдик. Янги йил арафасида, арча олдида, дастурхонимиз атрофида, жамиятда уларнинг ўрни бўш қолди.

Нотинч дунё узра отилган ўқ, бегуноҳ инсонларнинг тўкилган қони, миллатлар ва динлар ўртасида юз бераётган тўқнашувлар, тобора авж олаётган фуқаролар урушлари, хунрезликлар, биродаркушлик, вайронкорлик, ҳар куни содир этилаётган террорчилик ҳаракатлари, турли хил қурол-яроғ синовлари, ҳарбий парадлар, ҳарбий таҳдидлар, ҳарбий ўқув машғулотлари, атом бомбаси яратиш йўлидаги курашлар, уруш олиб бораётган томонлардан бирини маблағ ва қурол билан таъминлаш, ўз манфаатидан келиб чиқиб, қўллаб-қувватлаш каби сиёсий ўйинлар, сиёсий найранглар, бир масалага икки хил ёндашиш, ахборот хуружлари, гегемонлик, буюк миллатчилик шовинизми, динларни бир-бирига қарама-қарши қўйишлар... инсоният билан бирга 2013 йилга ҳам ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **эй одамзот, кўзингни оч, атрофга бир қара, кечаги тарихдан хулоса, сабоқ чиқар! Бундай бало-қазоларга қарши ўз вақтида чора кўриш, керак бўлса, бутун имкониятларимизни уларга қарши ишлатиш, турли мамлакатлар, турли миллат ва элатларнинг бир-бирига қарама-қарши туриб эмас, балки ўзаро елкадош бўлиб, тил топишиб, турли офатларни томири билан йўқ қилишини бугун замоннинг ўзи талаб этмоқда. Бунинг яккаю ягона йўли шу. Буни бугун тушуниб, англаб олмасак, эртага кеч бўлади...**

Нотинчлик вирусига мойиллик кимларда кўпроқ кўринади?

Мамлакат манфаатидан ўз манфаатини устун қўйиш, ислоҳотларга тўғаноқ бўлиш, жамоатчиликда нотўғри фикр уйғотиш, турли иғво ва бўҳтонлар тўқиш ва тарқатиш, ёшлар ўзанини ахлоқсизликка буриш, миллатлараро тотувликка рахна солиш, диний адоватлар қўзғаш, асоссиз маълумотлар тарқатиш, бир сўз билан айтганда мамлакатни барқарорликдан беқарорликка олиб келиш... Минг афсуски бундай қора кучлар ҳамма мамлакатда, ҳамма жамиятда топилади.

Нотинчлик вируси бугун бутун дунёни остун-устун қилмоқда.

Маданиятли миллат давлатга етказилган зиён-заҳмат шу мамлакатда яшаётган ҳар бир фуқарога моддий ва маънавий зарар келтиришини, оиласини, ҳаётини, тақдирини, келажагини барбод қилишини тушуниб етади, англайди. Қаердаки мамлакат тинчлигига тажовуз қилинса, у ерда ҳеч ким бахтли яшолмайди.

Нимага урушлар узоқлашиш, тарихга айланиш ўрнига инсоният ҳаётига тобора чуқур ўрнашмоқда?

Бир кунда осуда ҳаёт ўрнини нотинчлик эгалламоқда. Норозилик намойишлари қуролли жанжаллар ўз домига миллионлаб одамларни — энг даҳшатлиси ҳимоясиз аёллар ва болаларни тортаётганлигини бугун бутун дунё ҳамжамияти кўриб, билиб турибди.

Таҳлилларга кўра, нотинч давлатларда халқ сунъий равишда иккига бўлиб ташланмоқда. Уларнинг бир қисми мавжуд ҳукумат томонда бўлса, бошқа бир бўлаги мухолифат қўлидаги қўғирчоққа айланган. Ҳар иккала куч ҳам парда ортига ўтиб олиб, бир халқни бир бирига душман қилиб, мамлакатни фуқаролар уруши гирдобига ташламоқда. Энг даҳшатлиси, мазкур давлатларда халқнинг турмуши тобора оғирлашиб, борган сари ночорлашмоқда.

Нотинчлик вируси тарқалган ҳудудларнинг харитаси яратиладиган бўлса, у аллақачон дунёнинг жуда катта қисмини эгаллаб олди.

Тўғри белгилари ҳар хил, лекин ташҳис битта — нотинчлик вируси!

Бугун инсоният кун сайин янгиланаётган дунё жароҳатларига даво топиш чораларини изламоқда. Лекин ҳақиқат шундаки, куч ва қурол билан етказилган жароҳатга яна куч ва қурол билан малҳам қўйиб бўлмайди.

Нотинчлик вирусига қарши туришнинг ягона йўли бу — Миллий ҳамжиҳатликдир.

Ватан, Халқ тақдирига дахлдорлик. Аждодларимизнинг ўчмас хотираси, келажак авлодлар олдидаги масъулият, Истиқлол йўлидаги курашлардан чиқарилган хулосалар... Мана шу туйғулар бизни Озод Миллат, Мустақил Мамлакат сифатида жаҳон саҳнида асраб қола олади.

Президентимиз айтганидек, **мана шу саховатли Ўзбекистон заминида яшаётган барча инсонлар, миллати, тили ва динидан, қараш ва эътиқодидан қатъи назар, бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг энг катта бойлиги, Оллоҳнинг ўзи бизга инъом этган бебаҳо неъмат бўлмиш юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва барқарорлик, жамиятимизда мустаҳкамланиб бораётган ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик эканини чуқур англайди ва юксак қадрлайди.**

Тинчлик... Назаримда, бу сўзни ўзбек халқидек улуғлайдиган, Оллоҳдан фақат тинчлик сўрайдиган эл ер юзида бўлмаса керак.

**Фаррух ҲАМРОЕВ**

Реклама

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!*

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

***2013 йил 28 март, 4, 11, 18 ва 25 апрель кунлари ўтказиладиган очиқ танлов савдоларига таклиф этади***

Очиқ танлов савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги улушлари қўйилмоқда:

| № | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг | | Савдога қўйилаётган улушнинг устав фондидаги фоизи (%) | Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | манзили | асосий фаолият йўналиши | | Сўм | АҚШ доллари |
| 1 | «NAMANGAN QOG'OZI» МЧЖ | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 50-уй. | Жамият уставида канцеляр ва қадоқлаш жиҳоз, офсет ва ёзув қоғозлари маҳсулотларини, қоғознинг ҳар хил маҳсулотларини ишлаб чиқариш, Ўзбекистон Республикаси ҳамда чет эл мамлакатларида фирма дўконларини ташкил қилиш ва бошқа фаолиятни амалга ошириш белгиланган | 100 % | 3 859 212 000,0 | 2 008 186,33 |
| 2 | «BIO MIKREL» МЧЖ | Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ниёзбоши шаҳарчаси | Жамият уставида консерваланган ем ва оқсилли концентратларни ишлаб чиқариш, пахта шротидан оқсил олиш, ветеринария, истиқболли примекслар (ем-озуқа қўшимчалари)ни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ва бошқа фаолиятларни амалга ошириш белгиланган | 100 % | 2 179 274 300,0 | 1 156 267,04 |
| 3 | «NUKUS AGRO» МЧЖ | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Самбай овули | Жамият уставида помидор етиштириш ҳамда томат пьюре, томат паста, томат сок ва бошқа томат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, полиз экинлари маҳсулотларини етиштириш, уруғлик маҳсулотларини етиштириш, аҳолидан ишлаб чиқариш билан боғлиқ маҳсулотларни йиғиш, улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш, амалдаги қонунчиликка мувофиқ экспорт-импорт операциялари, менежмент, маркетинг ва консалтинг фаолиятини амалга ошириш, илғор технологияларни ўзлаштириш, ташқи иқтисодий ва бошқа фаолиятларни амалга ошириш белгиланган | 100 % | 1 757 010 000,0 | 922 363,39 |
| 4 | «SURHON SUN MILK» МЧЖ | Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Ўзбекистон кўчаси, 4-уй. | Жамият уставида сут ва сут маҳсулотлари, қандолатчилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қадоқлаш, ўраш, қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш, аҳолидан ишлаб чиқариш билан боғлиқ маҳсулотларни йиғиш, улгуржи ва чакана савдо фаолияти билан шуғулланиш, улгуржи, тижорат, озиқ-овқат, универсал дўконлар хусусий тармоғини тузиш, халқ истеъмоли моллари ва техник ишлаб чиқариш йўналишидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш, шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро юк ва йўловчилар автомобиль транспорти ташувини ташкил этиш, амалдаги қонунчиликка мувофиқ экспорт-импорт операциялари, менежмент, маркетинг ва консалтинг фаолиятини амалга ошириш, илғор технологияларни ўзлаштириш, ташқи иқтисодий ва бошқа фаолиятларни амалга ошириш белгиланган | 100 % | 331 854 200,0 | 176 073,33 |
| 5 | «TOSHKENT QOG'OZI» МЧЖ | Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй. | Жамият уставида қоғоз, картон, халқ истеъмол молларини, бошқа турдаги маҳсулотларни, жамият фаолияти билан боғлиқ маҳсулотни қайта ишлаш ва сотиш, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ташқи-иқтисодий фаолиятини, чакана савдо тармоғини кенгайтириш, тижорат ва воситачилик хизматлари, кредит-заём фаолияти, аҳолига ва юридик шахсларга нақлиёт хизматларини кўрсатиш, нақлиёт воситаларини таъмирлаш, уларга хизмат кўрсатиш ва бошқа фаолиятларни амалга ошириш белгиланган | 100 % | 23 153 474 000,0 | 12 284 639,34 |

***Очиқ танлов шартлари:***

Очиқ танлов ғолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдоридан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилгандан сўнг, бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб-рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзмиллийбанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги тўловлар, очиқ танлов савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Очиқ танлов савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилининг қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлардан буюртмаломаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Очиқ танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан, савдога қўйилаётган «NAMANGAN QOG'OZI» МЧЖ, «BIO MIKREL» МЧЖ ва «NUKUS AGRO» МЧЖ улушлари бошланғич нархларининг 10 фоизи миқдорида, «SURHON SUN MILK» МЧЖ улуш бошланғич нархининг 15 фоизи миқдорида, «TOSHKENT QOG'OZI» МЧЖ улуш бошланғич нархининг 2 фоизи миқдоридаги закалат пуллари «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 9049 2931 8002 ҳисоб-рақамига тўланиши лозим.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагида бўлган талабгорлар, уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Очиқ танлов савдоларига тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари:

Сотувчи (Банк) — телефон: 234-11-22, 234-15-60; телефакс: 234-43-31

Савдо ташкилотчиси — телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» ДУКнинг 2013 йил 8 февралдаги 18-13/17-сонли хатига асосан ушбу ташкилот балансидаги 1994й. и/ч, д/р 01/593ZBA бўлган «Опель Вектра», 2000й. и/ч, д/р 01/271MBA бўлган «ГАЗ-31100» ҳамда 2000й. и/ч, д/р 01/347GAA бўлган «ГАЗ-3110» русумли автотранспорт воситалари аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

**Гувоҳнома № 005357**

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!*

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

***2013 йил 28 март, 4, 11, 18 ва 25 апрель кунлари ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига таклиф этади***

Оммавий оферта савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги улушлари қўйилмоқда:

| № | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг | | Савдога қўйилаётган улушнинг устав фондидаги фоизи (%) | Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | манзили | асосий фаолият йўналиши | | Сўм | АҚШ доллари |
| 1 | «ASIA PIPEPLAST» МЧЖ | Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 327-«Б» уй. | Жамият уставида металл бўлмаган центрафугир труба GFКларни ишлаб чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикаси ва ундан ташқари ҳудудларда сотиш орқали даромад кўриш ва бошқа фаолиятини амалга ошириш белгиланган | 100 % | 49 136 500 000,0 | 26 653 919,18 |
| 2 | «SOG'DIANA PIPEPLAST» МЧЖ | Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй. | Жамият уставида ПВХ ва полиэтиленлардан фитинглар тайёрлаш, қувур ишлаб чиқариш заводини реконструкциялаш ҳамда ишга тушириш, пластмассадан буюмлар, полимерлардан қадоқлаш буюмларини ишлаб чиқариш, иккиламчи хомашёларни йиғиш ва қайта ишлаш. Хомашёларни қайта ишлаш ва сотиш орқали Ўзбекистон Республикаси экспорт-импорт салоҳиятини кенгайтириш ва бошқа фаолиятларни амалга ошириш белгиланган | 100 % | 2 931 003 400,0 | 1 589 912,35 |

***Оммавий оферта шартлари:***

Оммавий оферта ғолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдоридан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилгандан сўнг, бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб-рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзмиллийбанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги тўловлар, оммавий оферта савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

***Оммавий оферта савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:***

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилининг қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлардан буюртмаломаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Оммавий оферта савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан, савдога қўйилаётган «ASIA PIPEPLAST» МЧЖ улуш бошланғич нархнинг 2 фоизи миқдорида, «SOG'DIANA PIPEPLAST» МЧЖ улуш бошланғич нархнинг 10 фоизи миқдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 9049 2931 8002 ҳисоб-рақамига тўланиши лозим.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагида бўлган талабгорлар, уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Оммавий оферта савдоларига тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

***Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).***

Мурожаат учун алоқа воситалари:

***Сотувчи (Банк) — телефон: 234-11-22, 234-15-60; телефакс: 234-43-31.***

***Савдо ташкилотчиси — телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.***

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг 2013 йил 8 февралдаги АА-907/24-сонли хатига асосан, «Голос Узбекистана» газетасининг 2012 йил 28 декабрдаги 52-сонида чоп этилган эълонда кўрсатилган «Оммавий оферта ғолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоизи миқдоридаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг, бўнак пули сифатида, қолган қисмини бир йил муддатда сотувчининг ҳисоб-рақамига тўлаши шарт» жумлалари ўрнига «Оммавий оферта ғолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдоридан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилгандан сўнг, бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб-рақамига тўлаши шарт» деб ўқилсин.

***Гувоҳнома № 005357***

Бугун Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

# «БОБУРНОМА»:

## Уста Алиқули ва унинг тошотар тўпи



**Бобуршунослар «Бобурнома»даги йирик образлар: Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Иброҳим Лўдий, Паҳлавон Муҳаммад ва бошқалар ҳақида кенг тадқиқот ишлари олиб борганлар. Аммо мазкур асарда 1600 га яқин персонажлар ҳам борки, уларга асар муаллифининг муносабатини ва ҳар бирининг ўша давр тарихида тутган ўрнини таҳлил этиш масаласи қайсидир маънода эътибордан четда қолган.**

Бобур тасвирлаган кишилар портрети галереясининг ранг-баранглиги, уларнинг ҳар бирида бу юксак санъаткорнинг ўз олами, дунёқараши борлиги кўзга ташланади. Масалан, уларнинг айримларида биргина жумла билан ўша давр кишиларининг ўзаро муносабатлари ифодаланади.

«Бобурнома»да образлар талқини бир-бирини тўлдириб келади. Шубҳасиз, асарда Бобур образи марказий бўлиб, барча воқеа-ҳодисалар, шахслар характери шу образ билан боғлиқ ривожланади.

«Бобурнома» асарида Бобурнинг оддий кишиларга ҳам эътиборли бўлганини биргина мисолда кўрсатиб беришга ҳаракат қиламиз.

1526 йил воқеалари замирида Бобур қурол-аслаҳа ясаш устахонаси — қуюв цехини тасвирлайди. Бундан ташқари, аждодларимизнинг бу борадаги ихтирочилиги ва Бобурнинг бевосита бу ишга сабр-бардош билан бош-қош бўлганлигини ҳам биз «Бобурнома»дан биламиз.

Тасвир марказида Бобур топшириғи билан тўпнинг тошотар қуйма қисмини яратган ва уни Бобур ҳамда унинг аёнларига намойиш этган уста Алиқули шахсияти туради.

Устанинг қуюв дастгоҳини ишга тушишини шоҳга кўрсатиш пайтидаги ички ҳаяжони, шошилиши, айниқса, дастгоҳда ноқислик бўлиб режадаги иш сифатли бажарилмаганда, уста ўзини қўярга жой тополмагани, ҳатто ўзини қурбон қилишга ҳам тайёрлиги тасвирланади.

Бунда Бобурнинг инсоний хислатлари яққол намоён бўлган. Бобур уста Алиқули ҳаракатидаги саросималикда ўз ишини севган, масъулиятни ҳис этган касб эгасини кўради. У яратган дастгоҳда нуқсон бўлса-да, Бобур бу жиҳатни ислоҳ бўлар ҳол билиб, шу камчиликка қарамасдан устани мукофотлаб, кўнглини кўтариб, хижолатдан чиқаради. Шунга яраша уста ҳам дастгоҳни текшириб, ҳақиқатда ундаги нуқсон жуда жиддий эмаслигини айтади. Бунда Бобур хусусияти уста Алиқули образини ва уста Алиқули ҳаракатлари Бобур шахсиятини очишга ёрдам берган.

Бобур ёзади «Уста Алиқулининг қозон қуярининг тафарружига бордук. Қозон қуяр ернинг гирдида секкиз қўра бўлиб, олотни эритибтур. Ҳар қўранинг тубидин бир ариғе бу қозоннинг қолибиға рост эриган рост қилибтур. Биз борғоч, қўраларнинг тешукларини очти ҳар ариқтин олот сувдек шарилдаб қолибға кирар эди.

Бу замондин сўнг қолиб тўлмай, бу қўралардин келатурган эриган олотнинг келмоғи бирар-бирар мунқатиъ бўлди. Қўрада ё олотта қусуре бор экандур. Устод Алиқулига ғариб ёмон ҳолате бўлди. Дарин эдиким, ўзини қолиб ичидаги эриган мисқа ташлағай. Устод Алиқулиға дилжўйлиқ қилиб, хилъат кийдуруб, инфиъолдин чиқардук... Устод Алиқули кўп башошат била киши йиборибтурким, қозоннинг тош уйи беқусурдур» .

«Бобурнома»да муаллиф уста Алиқули образига қайта-қайта мурожаат қилади. Унинг ихтироси Бобур назаридан четда қолмаган. Чунки Ҳиндистонни забт этишда, Иброҳим Лўдийнинг юз минг кишилик филли армиясини мағлуб этишда айнан уста Алиқули томонидан яратилган шу қурол қўл келганлигини кўрамиз.

Мазкур тошотар қурол қусурларини топган уста Бобурни яна унинг намойишига таклиф қилади.

«Устод Алиқули ушул улуқ қозони билаким, қуярда тош уйи бенуқсон эди, дорухонасини ҳам сўнгра қуюб, тайёр қилиб эди, тош отарида тафарружиға бордим. Намоз дигар бор эди, тош отти. Минг олти юз қадам борди. Устодга камар ханжар ва хилъат ва тупчоқ от инъом бўлди».

Мазкур матндан кўриниб турибдики, шоҳ Бобур касб аҳлини ғоятда қадрлаган. У янги яратилган қурол ҳарбий синовларсиз мукаммалликка эришмаслигини тушиниб етган. Шу боис мутлақо янги қурол яратилишига сабаб бўлган.

Бобур мазкур ҳарбий қурол ва уста Алиқули образини асар давомида, вақти-вақти билан тасвирлаб борган.

Мана бу матнда Бобурнинг уста Алиқули ясаган ҳарбий тўп ўзининг аниқ самарасини берганлиги ва Бобур бу ишдан мамнун эканлигини кўрамиз.

«Сешанба куни сув кечган ердан кўчуб, уруш ери қотилишиға бир куруҳ ёвуқ келиб тушулди. Ўзум бориб, Устод Алиқулининг фарангий ва зарбзан отмоғини тафарруж қилдим. Ушбу кун Устод Алиқули фаранги тоши била икки кемани уруб синдируб, ғарқ қилди. Мустафо ҳам ул юздин фарангий тоши била кема уруб синдируб, ғарқ қилди».

«Бобурнома»даги уста Алиқули тасвири муаллифнинг образ яратишда изчиликка амал қилганлигини, бир образни асарнинг турли жой, турли йиллар воқеаларига боғлиқ ҳолда тасвирлаб, такомилига етказганлигини билдиради. Бундан ташқари, уста Алиқули билан боғлиқ тасвирларда юксак руҳий ҳолат, шахс психологиясидаги нозик жиҳатларнинг таҳлили мавжудки, бу ҳам Бобурнинг поэтик маҳоратидан далолат беради.

Бобур тасвирлаган кишилар галереясидан ўша давр ҳарбийлари, оддий навкарлари ҳам ўрин олган. Асарнинг бу персонажлари орқали Бобур қўл остидаги кишилар, ўша даврнинг ўзига хос хусусиятлари ва иллатларини очиб берган.

Албатта, бир кичик мақола доирасида «Бобурнома»даги юзлаб нисбатан кичик образлар ҳақида фикр билдириш имконияти йўқ. Асарда маҳораба майдонида бир лаҳзагина мардоналик кўрсатган ўнлаб персонажлар, Бобур хизматида бўлган, ўзининг ахлоқи ва юксак инсоний хислатлари билан бошқалардан ажралиб турган жангчи, ҳунарманд ва боғбон, усталар мавжудки, асар муаллифи уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб, ўзи билан бўлган муносабатларни кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз атрофидаги одамларга ҳеч қачон бефарқ бўлмаган. Балки улар тимсолида инсонлардаги яхши фазилатларни улуғлаган, ёмон хулқ-атворларни аёвсиз танқид қилган. Ва бундан барча инсонлар хабардор бўлиши, хулоса чиқаришини истаган.

Буюк шоир ва шоҳ Бобур атрофида бўлган инсонлар номи ҳам мана орадан неча асрлар ўтса-да боқий қолиб, тарих саҳифаларига муҳрланди.

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

Обод маҳалла — мамлакат кўрки

**Самарқанд вилояти, Қўшрабод туманидаги «Оқмачит» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўлқин Турдимовни идорасидан тополмадим.**

# ОДАМЛАР ХИЗМАТИДА

Маҳалла қўмитаси котибининг айтишича, оқсоқол маҳалла ҳудудида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олишга кетган экан. Мазкур маҳаллада бугун 250 та оила истиқомат қилади. Элчилик, ҳар куни кимнингдир хонадонида тўй, маърака бўлиб туради. Бировнинг бошига кулфат тушади. Биров бемор. Боқувчисини йўқотган бошқа бир оилада яна қандайдир муаммо...

Бу ҳаёт. Унинг қувонч ва ташвишлари ҳамиша биз билан бирга. Маҳалла оқсоқоли юқоридаги барча масалаларни ҳал этишда камарбаста. Унинг зийрак нигоҳидан ҳеч ким ва ҳеч нарса четда қолиши мумкин эмас.

Маҳалла аҳолисига хизмат кўрсатаётган қишлоқ врачлик пункти, таълим муассасаси, туман ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказилади. Тушунтириш, тарғибот ишлари олиб борилади.

Одам савдоси, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, жиноятчилик каби иллатларнинг олдини олиш борасида ҳам маҳаллада тарғибот-ташвиқот ишлари тўғри йўлга қўйилган.

— Одамлар хизматида бўлиш катта бахт, масъулият, — дейди Тўлқин Турдимов. — Эрталабдан кечгача юрсанг ҳам чарчамайсан. Халқимиз бугун маҳаллага ва ўзлари сайлаб қўйган маҳалла оқсоқолига ишонади. Мана шу ишончни оқлаш учун эса меҳнат қилиш керак. Бу ишда бизга кўпни кўрган ёши улуғларимиз ҳаёт тажрибалари ва маслаҳатлари билан ёрдам беришади. Маҳалламиз биноси 2007 йилда қурилган. Унинг атрофини ҳашар йўли билан ўзимиз обод қилганмиз. Обод турмуш йилида маҳалламиз ҳудудида бир қатор хайрли ишларни қилишни режалаштираяпмиз...

Шу пайт маҳалла идорасига кириб келган онахон тўй қилаётгани, шунинг учун маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашмоқчилигини айтди. Ҳа, маслаҳатли иш самарали бўлади. Маслаҳатли тўй эса тарқамайди.

**Сатторжон НИҲОЛОВ**

Спорт

**Мамлакатимизда қишки спорт турларини ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда. Бугун спортчиларимиз тоғ чанғиси, фристайл, муз устида нафис учиш каби турлар бўйича йирик халқаро турнирлар, қитъа чемпионатлари, қишки Олимпия ўйинларида мунтазам иштирок этишаяпти.**

# ИШТИЁҚ ВА ТАШАББУС

## *Ўзбекистон хоккей лигасининг ташкил этилишига туртки бўлди*



Бундан бир неча йил илгари пойтахтимизнинг Юнусобод туманида сунъий қопламали муз саройи ишга туширилганди. 2010 йили Ўзбекистон қишки спорт турлари федерацияси тасарруфида хоккей бўлимини очиш ҳаракати бошланди. Орадан икки йил ўтгач, аниқроғи, 2012 йилнинг январь ойида шаҳримизнинг Миробод туманидаги Фурқат номли истироҳат боғи ҳудудида замонавий «Айс аваню» муз саройи фойдаланишга топширилди. Айни чоғда мазкур спорт иншоотида муз устида хоккей бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Ўз вақтида «Бинокор» хоккей жамоасида ўйнаган Алишер Азимов, Комил Абдураимов, Шукрулло Каримовлар бу ишларга бош-қош бўлишаётир.

— Мақсадимиз — юртимизда ушбу спорт турини оммавийлаштириш ва истеъдодли ёшларни тарбиялашдир, — дейди Комил Абдураимов. — Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг қўллаб-қувватлаши ва кўмаги билан 2012 йилнинг декабридан бошлаб биринчи хоккей лигаси мусобақаларига асос солинди.

Ўтган йилнинг 24 декабрь куни «Айс аваню» муз саройида «Бинокор» фахрийлари ҳамда ёшлар ўртасида ўтказилган ўртоқлик учрашуви билан Ўзбекистон хоккей лигаси биринчи чемпионати баҳсларини бошлаб берди. Унда 2:2 ҳисобида дуранг қайд этилди.

— Ҳозир хоккей билан шуғулланиш истагида бўлганлар сони тобора ортиб бормоқда, — дейди мусобақа ташкилотчиларидан бири Алишер Азимов. — Лига баҳсларида «Бинокор», «Барс», «Оқ айиқлар» ҳамда «Акулалар» жамоалари ғолиблик учун курашяпти. Шу йилнинг 24-25 февраль кунлари Тошкентда Бирлашган Араб Амирликларининг «Трипс» жамоаси билан «Бинокор» хоккейчилари ўртасида халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказилиши кутилмоқда. Келажакда эса Осиё хоккей лигаси таркибига қўшилишни режалаштиряпмиз. Агар лойиҳаларимиз амалга ошса, Қувайт, БАА, Баҳрайн, Жанубий Корея, Таиланд ҳамда Малайзия сингари мамлакатлар терма жамоалари билан куч синашиш имкониятига эга бўламиз.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Тадбир

# ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИГА СЕРТИФИКАТ ТОПШИРИЛДИ

**Тинчлик-осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг хизмати катта. Айни пайтда уларнинг билими ва малакасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.**

Яқинда ИИВ Академияси ўқув-дала майдонида малака оширган профилактика инспекторларига сертификатлар топширилди.

Тантанали тадбирни ИИВ Академияси бошлиғи полковник Ш.Икрамов кириш сўзи билан очди.

Ўқув йиғини давомида ўзининг намунали хулқи, ташкил этилган йиғинда яхши ўқув кўрсаткичларига эга бўлган тингловчиларни рағбатлантириш тўғрисидаги Ички ишлар вазирлигининг шахсий таркиб бўйича буйруғини ички ишлар вазирининг ўринбосари полковник Алишер Мирзаев эълон қилди.

Машғулотлар жараёнида ўзларининг билимга чанқоқлигини, берилган топшириқларни ўз вақтида сифатли бажариш қобилиятига эгалигини кўрсатган, якуний назоратларда аъло баҳо олган ўн бир нафар профилактика инспекторига Ички ишлар вазирлигининг Фахрий ёрлиғи ва қўл соатларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов топширди.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Реклама

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
12-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ

*қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича*

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| № | Объект номи ва манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани «Қуйи Булунғур» каналидаги «Кучли» гидроузелини реконструкция қилиш | 333 032 967 сўм | 399 639 561 сўм | 6 ой |

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

***Савдо ташкилотчиси*** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

***Буюртмачи*:** 12-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.

***Манзили*:** Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси 62-уй, телефон: (8366) 234-37-13.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қуйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиши мумкин: ***Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус -2Д, 403-хона. тел. 231-13-51, факс. 233-32-00.***

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (офферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10-00 да ўтказилади.**

ОБ-ҲАВО 14-15 – 02. 2013

*Юртимиз бўйлаб (°С)*

| | | |
|---|---|---|
| *Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти* | 0 / -5 | +8 / +13 |
| *Бухоро ва Навоий вилоятлари* | -2 / +3 | +10 / +15 |
| *Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари* | -2 / +3 | +8 / +13 |
| *Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари* | +2 / +7 | +13 / +18 |
| *Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари* | -3 / +2 | +8 / +13 |
| *Тошкент шаҳри* | 0 / -2 | +10 / +12 |

*Дунё бўйлаб (°С)*

| | |
|---|---|
| Лондон | +1 / +1 |
| Париж | 0 / -2 |
| Москва | 0 / -2 |
| Мадрид | 0 / -1 |
| Пекин | -8 / -4 |
| Канберра | +16 / +16 |
| Рим | +2 / +1 |
| Афина | +5 / +6 |
| Токио | +2 / +3 |
| Стокгольм | -3 / -2 |
| Кейптаун | +17 / +17 |
| Қоҳира | +9 / +7 |
| Гавана | +19 / +19 |
| Вашингтон | -2 / -1 |

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси жамоаси ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси Насиба Ариповага отаси **Саттарали РЎЗМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 246
19991 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Bardambek SA`DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5